



ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ АНДИЖОН ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ
АНДИЖАНСКИЙ ОБЛАСТНОЙ КЕНГАШ НАРОДНЫХ ДЕПУТАТОВ

ҚАРОР - РЕШЕНИЕ

Андижон шаҳри

2018 йил 2 июнь

№127/33-5

Андижон вилоятида қишлоқ хўжалигида сувдан оқилона фойдаланиш, сув танқислигининг оқибатларини юмшатиш, ғўзада кафолатли ҳосил яратишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев раислигида шу йил 29 май куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида қишлоқ хўжалигида сувдан оқилона фойдаланиш, сув танқислигини оқибатларини юмшатиш, ғўзадан кафолатли ҳосил яратиш билан боғлиқ долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Бу борада жойларда қатъий ҳамда самарали депутатлик ва жамоатчилик назоратини таъминлаш бўйича Парламент олдига кечиктириб бўлмайдиган муҳим вазифалар қўйилди.

Шу муносабат билан Парламент аъзолари депутатлик ва жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш учун масъул сифатида вилоятимизга бириктирилди ҳамда улар зиммасига халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиясида ушбу долзарб масалани муҳокама этиш вазифаси топширилган.

Андижон вилоятида 267 минг гектар суғориладиган майдон мавжуд бўлиб, шундан 103 минг гектари Норин дарёсидан сув оладиган Катта Фарғона ва Катта Андижон каналларидан, 145 минг гектари Қорадарёдаги Андижон сув омборидан, қолган майдонлар Оқбурасой, Аравонсой, Майлисой каби кичик сой ва дарёлардан, коллектор-дренаж тармоқларига қўйилган насослардан ва булоқлар орқали сув билан таъминланади.

Вилоятда 2688 км хўжаликлараро суғориш тармоқлари, 4037 дона гидротехник иншоотлар, 3509 км хўжаликлараро коллектор-дренаж тармоқлари, 146 та давлат насос станцияларида 513 та насос станциялари, 1818 та гидростлар, шунингдек, 12016 км ички суғориш тармоқлари, 8684 дона ички гидротехник иншоотлар, 4687 км ички коллектор-дренаж тармоқлари мавжуд.

«Ўзгидромет» Республика марказининг башоратига кўра 2018 йилда Норин ва Қорадарёда кўп йиллик ўртача меъёрга нисбатан 80-85% сув бўлиши кутилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 февралдаги “2018 йил мавсумида экин майдонларини сув билан кафолатли таъминлаш ва сув танқислиги салбий оқибатларининг олдини олишга қаратилган кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги 74-сонли қарорига асосан вилоят ҳокимининг 2018 йил 5 февралдаги 73-қ сонли қарори, 2018 йил 7 февралдаги Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 38-сонли буйруғи ҳамда 9 февраль куни Ҳавза бошқармасининг 8-сонли буйруғи ишлаб чиқилиб, тасдиқланган.

Вилоят бўйича 138 та эгилувчан қувур комплектларини сотиб олиш учун жорий этувчи фермер хўжаликлари томонидан “Ўзмелиомашлизинг” ДУК ўртасида шартнома ўрнига 171 та (режага нисбатан 124%) шартномалар тузилди. Шартномага асосан хужжатларни тўлиқ расмийлаштирган фермер хўжаликлари томонидан қувур комплектларининг дастлабки нархининг 30 % миқдоридаги 171 комплект қувурларга жами 132,5 млн. сўм маблағ аванс тўловлари “Ўзмелиомашлизинг” ДУК ҳисоб рақамига ўтказиб берилди ҳамда 77 та эгилувчан қувур комплектлари олиб келиниб, тўлиқ фермер хўжаликларига тарқатилди.

Вилоятимиз бўйича бир йилда 3.11 млрд.кубометр сув талаб қилиниб, амалда 2,774 млрд.кубометр миқдорда сув бўлиши кутилмоқда. Вегетация мавсумида қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш учун вилоятга 2,0 млрд. 37 млн. кубометр ёки ўтган йилга нисбатан 336.0 млн.кубометр кам сув лимити ажратилди. Ушбу сув миқдорини қоплаш учун коллеткор-дренаж тармоқларидан 90 млн.кубометр, суғориш ва зах қочириш қудуқларидан 60.0 млн.кубометр, 15 млн. кубометри кўчма дизел кўчма насослар орқали, 15,7 млн.кубометр сувни тежовчи илғор технологияларни жорий этиш орқали. Қолган 155,3 млн.кубометр сувни эса агротехник ва сувни иқтисод қилувчи чора-тадбирлар ҳисобига бир марталик сувни иқтисод қилиш кўзда тутилган.

2018 йилнинг февраль-май ойларида сув хўжалиги ташкилотларининг 1,4 млрд.сўмлик эксплуатация маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган ирригация тизимлари ва улардаги гидротехника иншоотларини таъмирлаш-тиклаш ишлари ҳудудлар ва иншоотлар кесимида режаси ишлаб чиқилиб, белгилаган тадбирлар тўлиқ бажарилган.

Сессия муҳокамаси давомида билдирилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда сувдан фойдаланиш устидан депутатлик ва жамоат назоратини кучайтириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6 ва 24-моддаларига асосан Халқ депутатлари вилоят Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

1. Норин-Қорадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи Х.Ҳамидов, вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи А.Юлдашев, вилоят Фермер хўжаликлари ва томорқа ер эгалари уюшмаси раҳбари Б.Қодиров, Бош прокуратура ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси Андижон вилоят бошқармаси бошлиғи К.Парпиевларнинг **“Андижон вилоятида қишлоқ хўжалигида сувдан оқилона фойдаланиш, сув танқислигининг оқибатларини юмшатиш, ғўзада қафолатли ҳосил яратишнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”**ги ахборотлари маълумот учун қабул қилинсин.

2. Халқ депутатлари вилоят Кенгаши Аграр ва сув хўжалиги масалалари, экология доимий комиссияси раиси А.Абдуллаев, Ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари доимий комиссияси раиси М.Рахмонова Халқ депутатлари шаҳарлар ва туманлар Кенгашлари раисларига:

уч кун муддатда халқ депутатлари шаҳар ва туман Кенгашлари сессияларида “Худудларда қишлоқ хўжалигида сувдан оқилона фойдаланиш, сув танқислигининг оқибатларини юмшатиш, ғўзада қафолатли ҳосил яратишнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги масалани муҳокама қилиш ва зарур чора-тадбирларни белгилаш топширилсин.

3. Туманлар ҳокимларига:

ҳар бир туманда “Суғориш штаблари”ни ташкил қилиш ва барча хизмат қилувчи ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириб бориш, штабларда сувдан фойдаланишнинг аҳоли таҳлил қилиш ва сув таъминоти масалаларини муҳокама қилиб бориш;

сув таъминоти оғир ва насос станциялар ёрдамида суғориладиган ерларда ғалладан бўшаган майдонларга сувни кўп талаб қилувчи шולי ва пиёз каби экинлар ўрнига сувни кам талаб қилувчи дуккакли экинларни экиш,

фермер хўжаликлари томонидан малакали ва тажрибали сувчиларни жалб қилиш,

сувчиларга шароит яратиш, ҳар бир фермер хўжалиги даласида 1 тадан чайла қуриш, сувчиларни иссиқ овқат, резина этик, кетмон, фонар билан таъминлаш, уларга иш ҳақини мунтазам бериб бориш;

фермер хўжаликлари даласида сувни иқтисод қилувчи агротехник тадбирларни қўллаш, жумладан, эгатлар узунлигини 50-60 метрдан оширмаслик, ғўзага биринчи сувни эгат оралатиб қўйиш, намликни сақлаш мақсадида суғоришдан кейин ер етилиши билан вақтида культивация қилиш, дубль сув қўйишга йўл қўймаслик, ортиқча пайноб сувларни чиқариб суткалаб зовурларга оқизиб қўймаслик,

фермер хўжаликлари томонидан ҳар 5 га майдонга биттадан малакали сувчини жалб этилишини таъминлаш;

фермер хўжаликлари дала майдонларидаги шарбат ўраларда доимий маҳаллий гўнг етказиб берилишини назорат қилиш;

вегетация мавсуми учун ажратилган сув лимитларини қайтадан кўриб чиқиб, сув манбалари, каналлар, СИУлар ва фермер хўжаликлари кесимида ишлаб чиқиб, туман кенгаши сессияларида тасдиқлатиш;

пахта майдонларини суғориш мониторингини ҳар бир фермер хўжалиги бўйича СИУлар кесимида юритишни ташкил қилиш ва вилоят штабига кунлик тезкор маълумотларни берилишини таъминлаш;

ҳар бир СИУга ва ҳар 5 та фермерга биттадан сув хўжалиги мутахасисларини вакил бириктириш;

ҳар бир туманда 14 пушта усулида суғориш ва эгилувчан қувурлар ёрдамида суғориш бўйича кўргазмали семинарлар ташкил этиш;

тижорат банклари раҳбарлари, Туман ирригация бўлимлари билан биргаликда ҳар бир сув истеъмолчиларининг молиявий ҳолатини қайта хатловдан ўтказиш;

ҳар ойнинг бешинчи куни фермер хўжаликлари томонидан уюшмалар кўрсатган хизматлар учун тўловлар бўйича тижорат банкларига талабномалар расмийлаштиришга ёрдам бериш;

ажратилган кредит ресурсларини тижорат банклари томонидан ўз вақтида тўлиқ ўзлаштирилишини таъминлаб, ушбу маблағларни биринчи навбатда уюшма ходимларини иш ҳақи билан таъминлашга йўналтириш топширилсин.

4. Норин-Қорадарё ИТХБ бошлиғи Х.Хамидовга сув таъминоти оғир, суғориш тармоғининг қуйи қисмида жойлашган фермер хўжаликлари экин майдонларига сув етказиб бериш мақсадида 2 та мобил отряд тузиб, улар таркибига 25 нафардан сув хўжалиги ходимлари билан бутлаш;

Фермер хўжаликлари даласида сув олиш қулоқларини жихозлаш учун шартнома асосида пулини тўлаган фермер хўжаликларига ўрнатиб бериш вазифаси юклатилсин.

5. Халқ депутатлари вилоят, туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари доимий комиссиялари раислари ва депутатларига Ёшлар иттифоқи фаоллари ва кенг жамоатчилик иштирокида ҳар бир сайлов округларида аҳоли ўртасида сувдан фойдланиш масалаларини тарғибот ишларини кучайтириш топширилсин.

6. Вилоят телерадиокомпанияси (Каримов), “Андижоннома” ва “Андижанская правда” газеталари муҳаррияти (Шукуров)ларга мазкур қарорнинг ижроси ҳақида оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш тавсия этилсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари, экология доимий комиссияси раиси А.Абдуллаев зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари Андижон
вилоят Кенгашининг раиси



Ш.Абдурахманов